

## А Ж Р И М

2023 йил декабрь ойининг 06 кунида, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Жомбой туман Зарафшон маҳалласи биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков;

Судья ёрдамчиси: Д.Тўхтаевнинг котиблигида,

томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳ.Тошбоевнингнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевичга нисбатан юритилган 1-1406-2301/199-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич, 1984 йил 20 майда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам судланмаган, илгари;

2023 йил 31 мартда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47.4-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган;

ишсиз, маълумоти ўрта, биринчи оиласидан ажрашган, уч нафар фарзандлари бор, Жомбой туман, Нўш маҳалласи, Нўш қишлоғида яшайди, «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, айблов далолатномасининг нусхасини 2023 йил 01 декабрь куни олган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни,

## А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи томонидан судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2017 йил 26 январдаги суд буйруғига биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган 2013 йил 11 декабрда туғилган фарзанди Тохирова Ширина Музаффар қизининг моддий таъминоти учун унинг вояга етгунига қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида фарзандининг онаси Тохирова Диловар Адашовнага алимент пулларини тўлаши лозим бўлса-да, 2023 йил 31 мартда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан МЖТК 47.4-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқармасдан, 2023 йил апрель ойидан октябрь ойига қадар олти ойдан ортиқ муддат мобайнида 5.315.994 сўм миқдорда алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этганликда айбланган.

Судга судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич илтимоснома билан мурожаат қилиб, ЖК 122-моддасининг 3-қисмида агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у



жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилганлиги, у тўлаши лозим бўлган 5.315.994 сўм алимент пуллари ҳисобидан 5.315.994 сўм пуллар ўзи томонидан Тохирова Диловар Адашовнага тўлаб берилганлиги боис, жавобгарликдан озод этиб, унга нисбатан ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноятни ишини ЖК 65-моддаси тартибида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, илтимоснома юзасидан прокурор ва фуқаровий даъвогарнинг фикрларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра илтимосномани қаноатлантиришни лозим топди. Жумладан,

ЖК 122-моддасининг 3-қисмида агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши;

-ЖК 65-моддасининг 1-қисмида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

-Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 1-қисмининг 8-бандида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги назарда тутилган.

Судланувчи М.Бобомуродов томонидан Тохирова Диловар Адашовнага алиментдан бўлган қарздорлиги ҳисобидан 5.315.994 сўм пуллар тўланган.

Суд, судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич тўлаши лозим бўлган 5.315.994 сўм алимент пуллари ҳисобидан 5.315.994 сўм пуллар Тохирова Диловар Адашовнага тўланганлиги боис, ишни судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топиб, судланувчи М.Бобомуродовни жавобгарликдан озод қилишни, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни, судланувчи М.Бобомуродовга қўлланилган «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шу қатори, М.Бобомуродовга эълон қилинган айбловда 11.478.124 сўм тўланмаган алимент пуллари ҳам қўшиб кўрсатилган бўлиб, бу ҳолат юзасидан 2023 йил 31 мартда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан М.Бобомуродовга МЖТК 47.4-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлиги, ЖК 8-моддасининг 2-қисмига кўра ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги, яъни ушбу суммани айблов асосига қўйиб бўлмаслиги боис, бу сумма қопланиши лозим бўлган зарар суммасига нисбатан ҳисога олинмади.



Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 1-қисмининг 8-банди, 405-10-моддаларини қўллаб, ажрим қилди,

**А Ж Р И М:**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич ЖК 65-моддасига биноан жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинсин.

Судланувчи М.Бобомуродовга қўлланилган «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи М.Бобомуродовнинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилмай туриб, жиноят иши тугатилсин.

Ажримдан норози томонлар, шу жумладан судланувчи ва фуқаровий даъвогар (суд ҳукмининг фақат фуқаровий даъвога оид қисми бўйича) ажримнинг нусхасини олган вақтдан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят қилишга, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи:**

**А.Абдураззаков**



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



Ҳужжат имзоланган: Абдуразаков Абдусаттор Азаматович, 06.12.2023



## СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2023 йил декабрь ойининг 01 кунда, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков;

Судья ёрдамчиси: Д.Тўхтаевнинг котиблигида,

томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси  
Ҳ.Тошбоевнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевичга нисбатан юритилган 1-1405-2301/199-сонли жиноят ишини кўрди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилди ва суд мажлисига кимлар келганлигини аниқлаш мақсадида суд мажлиси котибига сўз берди.

Суд мажлисининг котиби давлат айбловчиси, судланувчи ва фуқаровий даъвогар судга келганлиги тўғрисида ахборот берди.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилди, ким давлат айбловчиси, фуқаровий даъвогар эканлигини, ким суд мажлисининг котиби эканлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини, шунингдек тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтирди.

Судланувчи ва бошқа тарафларда судьяга, суд таркибига, шунингдек тарафлардан бирортасига рад қилишлар бўлмади.

Раислик қилувчи судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, кун ва жойини, яшаб турган жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳволи ва унинг шахсига дахлдор бошқа маълумотларни сўраб, унинг шахсини аниқлади.

Судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич, 1984 йил 20 майда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам судланмаган, илгари;

2023 йил 31 мартда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтК 47.4-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган;

ишсиз, маълумоти ўрта, биринчи оиласидан ажрашган, уч нафар фарзандлари бор, Жомбой туман, Нўш маҳалласи, Нўш қишлоғида яшайди, «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Раислик қилувчи судланувчидан айблов далолатномасининг нусхаси, шунингдек ЖПК 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширилмаганлигини ва айнан қачон топширилганлигини сўради.

Раислик қилувчининг саволига М.Бобомуродов;

-айблов далолатномасининг нусхасини олмаганман



Раислик қилувчи судланувчи айблов далолатномасини олмаганлиги сабабли, ишни кўришликни 2023 йил 06 декабрь кuni соат 11:00га қадар қолдириб, танаффус эълон қилди.

Суд мажлиси 2023 йил 06 декабрь кuni соат 11:00да Жомбой туман Зарафшон маҳалласи биносида давом этди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб кўриладиган ишни эълон қилиб, процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш учун суд мажлиси котибига сўз берди.

Суд мажлисининг котиби давлат айбловчиси, судланувчи ва фуқаровий даъвогар судга келганлиги тўғрисида ахборот берди.

Раислик қилувчи судланувчига ЖПК 46-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини тушунтирди. Сўнгра судланувчидан ана шу ҳуқуқларнинг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сўради.

Судланувчи М.Бобомуродов ҳуқуқларини тушунганлигини, суд мажлисида ҳимоячи З.Азимовнинг хизмати унга таклиф қилинганлиги, ҳимоячи билан холи учрашганлиги, унинг хизматидан воз кечишини, ўзини-ўзи ҳимоя қилишини билдирди.

Судланувчининг ҳимоячидан воз кечиш тўғрисида ариза бериш жараёни уяли алоқа воситаси ёрдамида видеотасвирга олинди.

Ҳимоячи судга ордер тақдим қилиб, суд залини тарк этди.

Раислик қилувчи фуқаровий даъвогарга ЖПК тегишлича 57-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтирди.

Фуқаровий даъвогар Д.Тохирова ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунарли эканлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи суд мажлисининг тайёрлов қисми бўйича илтимослар бор-йўқлигини сўради.

Суд мажлисининг тайёрлов қисми бўйича илтимослар бўлмади.

Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида эълон қилди ва давлат айбловчисига айблов далолатномасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни мазмунини ўқиб эшиттириш учун сўз берди.

Давлат айбловчиси айблов далолатномасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни мазмунини ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўради.

Судланувчи айбловнинг моҳияти унга тушунарли эканлигини, ўз айбига иқрорлигини билдирди.

Суд далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитди.

Давлат айбловчиси;

-дастлаб судланувчини сўроқ қилиб, кейин фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, сўнгра иш ҳужжатларини тафтиш қилишни сўрайман.

Фуқаровий даъвогар Д.Тохирова;



-эътирозим йўқ.

Судланувчи;

-эътирозим йўқ.

Раислик қилувчи ўз жойида иш бўйича дастлаб судланувчини сўроқ қилиб, кейин фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, сўнгра иш ҳужжатларини тафтиш қилишга ажрим қилди.

Раислик қилувчи судланувчига кўрсатув беришни таклиф қилди.

Судланувчининг кўрсатуви;

-айбимга тўлиқ иқрорман, ҳақиқатан ҳам 2012 йил март ойида Д.Тохирова билан шаърий никоҳдан ўтиб турмуш қурганман, 2013 йил 11 декабрда фарзандим Тохирова Ширина Музаффар қизи туғилди, бироқ ўзаро келишмовчиликлар туфайли, 2016 йилда бир нафар фарзандини олиб она-онасининг уйига кетиб қолди, шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2017 йил 26 январдаги суд буйруғига биноан фарзандимнинг моддий таъминоти учун, унинг вояга етгунига қадар ҳар ойлик иш ҳақим ва бошқа даромадларимнинг тўртдан бир қисми миқдоридида собиқ турмуш ўртоғим, Тохирова Диловар Адашовнага алимент тўлашим белгиланган эди, бироқ шароитим бўлмаганлиги сабабли алимент пулларини тўламаганлигим сабабли, 2023 йил 31 мартда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан МЖтК 47.4-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган эди, давлат ижрочилари бир неча бор алимент пулларини тўлашим лозимлиги тўғрисида огоҳлантиришган эди, айни вақтда алимент пулларини тўлаб бердим, қонуний енгиллик беришингизни, кечирингизни сўрайман.

Саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи фуқаровий даъвогарнинг шахсини аниқлади.

Фуқаровий даъвогар Тохирова Диловар Адашовна, 1990 йил 26 мартда Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, оилали, бир нафар фарзанди бор, Тошкент шаҳар, Янгийўл тумани, Ишчитор кўчаси 16-уйда яшайди.

Шахсига доир саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи фуқаровий даъвогарни кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик (ЖК 238, 240-моддалари) тўғрисида огоҳлантириб, раислик қилувчи фуқаровий даъвогарга барчанинг олдида ошкора равишда қасамёд қилишни таклиф этиб, кўрсатув беришни таклиф қилди.

Фуқаровий даъвогарнинг кўрсатуви:

-ҳақиқатан ҳам судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич билан 2012 йил март ойида шаърий никоҳдан ўтиб турмуш қурган эдим, 2013 йил 11 декабрда Тохирова Ширина Музаффар қизи туғилди, бироқ ўзаро келишмовчилик натижасида турмуш ўртоғим билан алоҳида яшай бошладим, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2017 йил 26 январдаги суд буйруғига биноан қизимнинг моддий таъминоти учун унинг вояга етгунига қадар М.Бобомуродовнинг ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа



даромадларининг тўртдан бир қисми миқдориди М.Бобомуродовдан алимент ундириш белгиланган эди, бироқ ҳанузгача М.Бобомуродов бирор сўм пул тўламаган, ҳозирги кунда менга етказилган 5.315.994 сўм қоплаб берилди.

*Саволлар бўлмади.*

Судланувчи Бобомуродов Музаффар Зиёдуллаевич судга ёзма илтимоснома билан мурожат қилиб, ЖК 122-моддасининг 3-қисмида агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилганлигини, айти вақтда тўлаши лозим бўлган 5.315.994 сўм алимент пуллари ҳисобидан 5.315.994 сўм пуллар унинг ўзи томонидан Д.Тохировага тўлаб берилганлиги боис, жавобгарликдан озод этиб, унга нисбатан ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноятни ишини ЖК 65-моддаси тартибида ҳаракатдан тугатишни сўради.

*Суд илтимоснома юзасидан тарафларнинг фикрларини сўради.*

*Давлат айбловчиси;*

*-зарар тўланганлигини инобатга олиб, судланувчининг илтимосномасини қаноатлантиришингизни сўрайман.*

*Фуқаровий даъвогар Д.Тохирова;*

*-Судга ҳавола.*

*Судланувчи;*

*Тарафларнинг фикрларини эшитиб бўлганидан сўнг, раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга суд алоҳида хонага киришини эълон қилиб, алоҳида хонага кирди.*

*Раислик қилувчи алоҳида хонадан суд мажлиси залига қайтиб чиқди ва раислик қилувчи илтимоснома қаноатлантирилганлиги тўғрисидаги ажримнинг қарор қисмини, хусусий ажримни эълон қилди.*

*Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ажримнинг мазмунини, ажрим устидан апелляция тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини, ЖПК 427-моддаси тартибида суд мажлисининг баённомаси юзасидан мулоҳазалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартибини тушунтирди.*

*Судланувчи ва бошқа тарафлар ажримнинг мазмунини, ажрим устидан апелляция тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини, ЖПК 427-моддаси тартибида суд мажлисининг баённомаси юзасидан мулоҳазалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартибини тушунишганлигини билдиришди.*

*Раислик қилувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.*

**Суд мажлиси котиби:**

**Раислик қилувчи:**

